

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИКУЛОВА ҲУЛҚАР ЮЛДАШЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ СИЁСАТИ (1991-2014 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Холикулова Хулкар Юлдашевна Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни химоя қилиш сиёсати (1991-2014 йй).....	3
Халикулова Хулкар Юлдашевна Политика защиты лиц с ограниченными возможностями в Узбекистане (1991-2014 гг).....	21
Khalikulova Khulkar Yuldashevna Policy for the protection of persons with disabilities in Uzbekistan (1991-2014 yy).....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙИ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИКУЛОВА ҲУЛҚАР ЮЛДАШЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ СИЁСАТИ (1991-2014 йй.)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Таг143 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор

Усмонова Муборак Акмалжоновна
юримдик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017. Таг. 01.04-рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21,(99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино.)

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Маврулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д. профессор

Х.Э.Юнусова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

Г.А.Агзамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, жаҳон ҳамжамиятида ижтимоий дунёқарашнинг ўзгариши натижасида инсон омили устувор аҳамият касб этаётган бир шароитда имконияти чекланган шахсларга бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда. Ушбу давр мобайнида қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ногиронларни жамоатчиликдан ажратиб қўйиш эмас, балки уларнинг жамият билан интеграциясини таъминлашга қаратилган ижтимоий модел ғояларини ўзида мужассам этди. Бу ўз навбатида имконияти чекланган шахслар муаммоларини ҳал қилишнинг янги таъминлашнинг ишлаб чиқиш, уларни жамиятга мослаштириш, бандлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, абилитация ва реабилитация қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида махсус тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқарди.

Дунёнинг кўплаб олий ўқув юрлари ва илмий марказларида ногиронларга нисбатан муносабатнинг ижтимоий модел қонуниятларини амалиётга татбиқ этиш борасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширила бошланди. Жумладан, ногиронларнинг жамият билан интеграциялашуви учун тенг имкониятларни таъминлашнинг ижтимоий жиҳатлари очиб берилди, имконияти чекланган шахслар учун инклюзив¹ таълимни амалга ошириш йўллари кўрсатилди. Бундан ташқари, ушбу соҳада тиббий-касбий-ижтимоий реабилитацияни ўзаро уйғунликда олиб бориш, ногиронлар учун мос тушадиган янги технологияларни яратиш, ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситаларнинг илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратилган йўналишларда ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаси вакиллари катта аҳамият қаратила бошланди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унда жисмоний имконияти чекланганлар учун қулай турмуш шароитини яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, таълим олиш ва спорт билан шуғулланишлари учун имконият яратиш каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу қонун асосида 100 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ногиронликнинг олдини олиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи давлат миқёсидаги долзарб вазифа даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. «Пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш»²

¹ Инклюзив таълим инглиз тилидаги inclusion яъни «камраб олиш» сўзидан олинган бўлиб, ривожланишда нуқсон бор болалар ва ўсмирларнинг соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олишини англатади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонининг 1-илоvasида келтирилган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» (Электрон ресурc). <https://strategy.regulation.gov.uz/>

каби вазифалар уларга нисбатан ижтимоий модел асосидаги муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганларидек: «Инсонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади»³. Бу эса Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсатини тарихий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини очиқ бериш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2705-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 августдаги Р-5006-сонли «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилишда давлат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, нодавлат ташкилотларининг ролини кучайтириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришга оид фикрлари Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ривожлантиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди⁴.

Маълумки, ногиронлик ҳолати ва унга муносабат масаласи азалдан инсонлар эътиборини тортиб келган. Хусусан, бу масала антик давр

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488. Б.

муаллифларининг эътиборини жалб қилганлиги ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган. (Антик давр ва ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги ногиронлар масаласига бағишланган асарлар диссертациянинг биринчи боби 1-параграфида баён қилинган).

Илм-фаннинг ривожланиши билан олимлар инсон физиологиясидаги жараёнлар, инсон онги ва тафаккуридаги ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан асослашга интила бошлаганлар. Техника ва технологиялар соҳасидаги кашфиётлар натижасида эса ногиронлик масаласидаги илмий ёндошувлар шаклланиб, уларни даволаш ва бу соҳадаги махсус таълимни ривожлантиришга оид кўплаб асарлар вужудга келди. Ногиронлик масаласи дастлаб асосан тиббиёт, педагогика соҳаси вакилларининг эътиборини жалб этиб келган ва улар томонидан махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юқорида қайд этилган масала моҳиятидан келиб чиқиб, мавзунинг ўрганилганлик даражасини уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Совет даврида яратилган адабиётлар.
2. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар.
3. Хорижий муаллифлар асарлари.

Совет даврида яратилган адабиётларда жисмоний нуқсонли бор шахсларга асосан пенсия таъминотини амалга ошириш объекти сифатида қаралган⁵.

Мустақиллик йилларида яратилган адабиётларда масаланинг ижтимоий жиҳатларига кўпроқ аҳамият қаратилди. Бу даврда тиббиёт, педагогика, социология, ҳуқуқшунослик, иқтисод соҳаларида имконияти чекланган шахсларни жамиятга ижтимоий мослаштириш механизмини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, 2000-йилларга келиб⁶ ногирон болаларга таълим беришнинг замонавий усуллари қўллаш ва уларни соғлом болаларга ижтимоий мослаштиришга эътибор берилди бошлади.

М.А. Усманованинг⁷ тадқиқотида асосий эътибор кексалар ва имконияти чекланган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий аспектига қаратилган. Унда собиқ совет давлати ҳамда мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий ҳимоя сиёсати оид маълумотлар ёритилган бўлиб, кейинги даврларда юз берган ўзгаришлар қамраб олинмаган.

⁵ Ботыгин К.С. Правовые проблемы социального страхования в СССР. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1975. – 23 с.; Иванова Р.И. Соотношение пенсионных и трудовых правоотношений. Дис... канд. юрид. наук. – М.: 1974. – 160 с.; Тучкова Э.Г. Участие профсоюзов СССР в правовом регулировании пенсионного обеспечения рабочих и служащих. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1979. – 21 с.; Чернышева Е.Ф. Правовое регулирование отношений по социальному обеспечению семей, имеющих детей. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Л., 1981. – 28 с.

⁶ Холмухаммедова У. Нутқ ўстириш санъати. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 48 б.; Файзиева У.Ю. 0-1 синфларда заиф эшитувчи ўқувчиларни саводга тайёрлаш ва ўқитиш методикаси. Пед. фан. номзоди дисс... – Тошкент, 1994, – 136 б.; Норматов К. Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – 65 б.

⁷ Усмонова М.А. Ўзбекистонда кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари: Юрид. фан. докт. дисс... – Тошкент, 1995. – 165 б.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида оид маълумотларни илк бор тарихий аспектда жанубий вилоятлар мисолида тадқиқ қилган Ф.Ж.Ёрматовнинг илмий иши республикадаги умумий ижтимоий ҳимоя масаласини очиқ беришга бағишланган⁸.

С.Ю.Ёқубова, Д.К.Аҳмедов, Х.Х.Абдурахмонов, М.Ҳожиматов, Ш.Жумаев, У.Олтинов⁹ каби муаллифларнинг диссертацияларида Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизими масалалари пенсия таъминотининг ҳуқуқий жиҳатлари доирасида тадқиқ этилган.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ногиронлар масаласига мутлақо янгича ёндошув ва қарашлар асосида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, инклюзив таълим масаласи хорижий давлатларда энг долзарб масалалардан бирига айланган. Педагоглар билан бир қаторда, Россия ва Европа социологлари¹⁰ ҳам бу масалага жиддий қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар ўз тадқиқотларида инклюзив таълимнинг ногирон болаларни жамиятга мослаштирувчи энг муҳим омил эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ ОТ-Ф1-88 «Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида толерантлик тамойилининг тутган ўрни (қадимги даврдан то ҳозирги вақтга қадар)» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади имконияти чекланган шахсларга бўлган муносабат тарихини ёритиш ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда уларни ҳимоя қилишнинг моҳиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁸ Ёрматов Ф.Ж. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, жараёни. Ривожланиш истикболлари (1991-2010йй.) Жанубий вилоятлар мисолида: Тарих фанлари номзоди дисс..., – Тошкент, 2010. – 172 б.

⁹ Ёқубова С.Ю. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқтисод фанлари номзоди дисс... – Тошкент, 1994. – 147 б.; Аҳмедов Д.К. Ўзбекистонда давлат ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари: Юридик фанлари номзоди дисс... – Тошкент, 2007. – 210 б.; Абдурахмонов Х.Х. Ўзбекистонда қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг демографик асослари: Иқтисод фанлари номзоди дисс... – Тошкент: 2007. – 163 б.; Ҳожиматов М., Жумаев Ш., Олтинов У. Ижтимоий ҳимоя йили: мазмун ва моҳият. – Тошкент, 2007.– 65 б.

¹⁰ Малофеев Н.Н. Современный этап в развитии системы специального образования в России: результаты исследования как основа для построения программы развития // Альманах Института коррекционной педагогики РАО. – Вып. 1. – 2000. – 56 с.; Скок Н.И. Биосоциальный потенциал лиц с ограниченными возможностями и социальные механизмы его регуляции // Социологические исследования, 2005. – №4.; Ярская-Смирнова, Е.Р. Социальное конструирование инвалидности // Социологические исследования, 1999. – № 4. – 45 с.; Коновалова М.П. Инвалид и общество. Учебно-методическое пособие. – Москва: Либерия-Бибинформ, 2006. – 136 с.; Гудонис В. П. Незрячий в обществе: социальные меридианы // Мир психологии. – 2001. – №2. – С.186.; Thomas G. The Making of the Inclusive School / J. Thomas., P. Walker, J. Webb. – London and New York: Routledge Falmer, 1998; Florian L. Special Education and School Reform in the United States and Britain / L. Florian., D. Pullin. –London and New York: Routledge, 2000.; Wright E.B. Full Inclusion of Children with Disabilities in the Regular Classroom: Is It the Only Answer // Social work in Education.–London: – 1999. –Vol. 21. – No. 1.

имконияти чекланган шахсларга бўлган муносабат тарихи ва унинг илк кўринишларини Шарқ ва Ғарб давлатларининг қиёсий таҳлили мисолида тадқиқ этиш;

ногиронларга ғамхўрлик муносабати ўзбек халқи менталитети ва миллий қадриятларининг ажралмас қисми эканлигини кўрсатиб бериш;

ногиронлар жамоат бирлашмаларининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихини ёритиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эволюциясини аниқлаш;

имконияти чекланган шахсларга ёрдам кўрсатувчи давлат ижтимоий хизмат кўрсатиш шакллари ва таркибини таҳлил қилиш;

ногиронларни ҳимоя қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шериклик асосидаги узвий ҳамкорлик механизмини илмий асослаш;

мустақиллик йилларида имконияти чекланган шахслар бандлигини ногиронлик ва меҳнат турлари, вилоятлар миқёсида очиб бериш;

ногиронларнинг таълим олиши, уларнинг реабилитациясига оид давлат сиёсатини тарихий далиллар асосида кўрсатиш;

Ўзбекистонда имконияти чекланганларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини мустақиллик йилларида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети қилиб Республика ногиронлар жамияти ва унинг вилоятлардаги бўлимлари, уларни реабилитация қилиш марказлари, ногиронлар томонидан ташкил қилинган барча нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, уларнинг таълим масканлари турларини ўрганиш методлари ва воситалари белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тизимлаштириш, қиёсий таҳлил ва муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш борасида фаолиятидаги номутаносибликни бартараф этиш учун ногиронлар Ассоциациясини ҳамда Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда вилоятларда ногиронлар билан ишлаш секторини ташкил қилишнинг зарурати исботланган;

имконияти чекланган ёшларнинг инклюзив таълими узлуксизлиги самарадорлигини оширишда олий ўқув юртлари учун махсус квота, ресурс педагогларни ажратиш ҳамда зарур инфратузилмаларни яратишнинг устувор аҳамияти асосланган;

имконияти чекланган шахсларни жамиятга интеграция қилишга таъсир кўрсатувчи касб ориентациясини ошириш, корхона раҳбарларининг ижтимоий модел асосидаги муносабатини шакллантириш, ногиронларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қулай инфраструктурани шакллантириш каби ижтимоий омиллар аниқланган;

Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ногиронликнинг экологик, тиббий хизмат сифати ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ муносабатлари каби омиллар билан боғлиқлиги тизимли равишда очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ногиронларни ҳимоя қилишнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

олинган хулосалардан ногиронларни ҳимоя қилиш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндошув ва усулларнинг қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилганлиги, архив материаллари, жумладан жорий архив материаллари каби бирламчи манбаларга асосланилганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ногиронларни ҳимоя қилишнинг назарий таҳлили асосида олинган натижалардан ушбу йўналишдаги методологик-услубий ёндошувларни такомиллаштиришда ва назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти мустақиллик даври ногиронларни ҳимоя қилиш тарихини яритишда ва ушбу тизимни такомиллаштиришга оид мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилишга оид ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) ривожланиш жараёнидаги давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклиги асосида ҳудудлар кесимидаги фаолиятига оид илмий хулосаларидан ҳамда ногиронлар сонининг регионал, хронологик аспектдаги таҳлили асосида Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятларида нисбатан юқорилиги экологик, тиббий, ижтимоий омиллар билан боғлиқ эканлигига оид илмий натижалардан Ўзбекистон ногиронлар жамияти фаолиятида фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Р-5006-сонли «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан тузилган давлат комиссиясига тақдим қилинди. (Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг 2017 йил 6 февралдаги 01-сон маълумотномаси). Ушбу диссертация юзасидан билдирилган илмий хулоса ва таклифлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга интеграциялашувига хизмат қилди;

инклюзив таълим стратегиясининг ишлаб чиқиши имконияти чекланган болаларнинг таълим узлуксизлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳаётга интеграциялашувидаги энг муҳим омил эканлиги ва имконияти чекланган шахслар бандлигининг меҳнат турлари ва ҳудудлар кесимида таҳлилига оид илмий янгликларидан Ўзбекистон қарлар жамияти фаолиятида фойдаланилди. (Ўзбекистон қарлар жамияти 2017 йил 21 сентябрдаги 1/01-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши имконияти чекланган шахсларни жамиятга интеграция қилиш, кўзи ожиз қар-соқовларга касбий таълим бериш ва уларни касбга йўналтириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 10 та республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, диссертациянинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда имконияти чекланганларни ҳимоя қилиш тизимининг яратилиши ва унинг тарихий босқичлари**» деб номланган биринчи бобида ногиронлиги бўлган шахсларга бўлган муносабатнинг қадимдан то ҳозирги давргача бўлган тарихи ёритилиб, мустақиллик йилларида имконияти чекланганларни ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги асослаб берилган.

Диссертацияда турли мамлакатларда яратилган илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида жаҳон миқёсида ногиронлиги бўлган шахсларга бўлган муносабат тарихи уч йирик даврга ажратиб таҳлил қилинди.

Унинг дастлабки босқичи диний-мифологик модел деб юритилади. Бу даврда жисмоний имконияти чекланганлар жамият томонидан камситилган, таҳқирланган, ногиронлик қайсидир гуноҳлари учун худо томонидан

юборилган жазо сифатида қаралган¹¹. Ақли заифлар ҳақида эса «шайтон ичига кириб олиб бошқараяпти» деган тасаввурлар мавжуд бўлган¹².

Иккинчи босқич Европадаги уйғониш даври (XIV-XV асрлар)га тўғри келади. Бу даврда илм-фан ва техниканинг ривожланиши натижасида одамларда тиббий модел асосидаги муносабат шаклланган ва шу асосда ногиронликнинг келиб чиқиш сабаблари илмий нуқтаи назардан таҳлил қилина бошлаган¹³. Аммо ногиронлиги бўлган шахслар жамиятдан ажралган ҳолда ихтисослаштирилган муассасаларда сақланган. Уларга бошқалар билан тенг таълим олиш, касб-хунарга эга бўлиш ва ишлаш имкони берилмаган.

Учинчи босқич эса XX асрнинг 70-йилларидан то бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Бу даврга келиб ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабатнинг ижтимоий моделига асос солинди. Ижтимоий моделнинг энг муҳим қонуниятлари сифатида ногиронлиги бўлган шахслар алоҳида корхоналарда эмас, балки соғлом одамлар билан барча ташкилотларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари мумкинлиги, шунингдек, махсус мактаб-интернатларда эмас, соғлом болалар билан бирга инклюзив таълимга мослаштирилган умумтаълим мактабларида ҳам таълим олиш имконига эга эканликларини келтириш мумкин.

Тадқиқот жараёнида ҳар бир модел алоҳида таҳлил қилиниб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги ҳолат қиёсий таҳлил қилинган ва хулосалар чиқарилган. Масалан, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри»¹⁴ асарида ногиронлиги бўлган шахсларга бўлган муносабатнинг ижтимоий модел элементлари акс этганлиги аниқланди.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги масжид ҳамда мадрасалар қошида фақир ва мискинларга бошпаналар ажратилган, шунингдек яқин атрофда яшайдиган кўни-кўшнилар томонидан таомлар улашилган. Энг асосийси, Амир Темур даврида имконияти чекланганлар учун нафақаларнинг жорий қилиниши¹⁵ уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими Ўрта Осиёда совет ҳокимияти ўрнатилмасдан анча илгари вужудга келганлигидан далолат беради.

Совет даврида асосан қизил армиячи аскарлар ҳамда уларнинг оила аъзоларидан бўлган ногиронлиги бўлган шахсларгина пенсия олганлар. Ҳатто алоҳида эҳтиёжли болалар учун ихтисослаштирилган мактабларга ҳам рус тилини билмайдиган болалар қабул қилинмаган¹⁶. Маълумотларга кўра,

¹¹ Pritchard, James B., In *The Ancient Near East: Volume II. A New Anthology of Texts and Pictures*. – Princeton, NJ: Princeton University Press, 1958. – P. 220–221.

¹² Nussbaum, Martha C. *Human Functioning and Social Justice: In Defense of Aristotelian Essentialism*. *Political Theory* 20(2): – Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1992. – P.202–246.

¹³ Карлсон Р., Батчер Д., Минека С. *Аномальная психология*. – Питер: СПб., 2000. – С. 1167.

¹⁴ Аль Фараби. *Избранные трактаты*. – Алматы: Гылым, 1994. – С. 294.

¹⁵ Темур тузуклари. Форечадан А.Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулум, 1996. – Б. 67.

¹⁶ Андижон вилоят Давлат архиви, 130-жамғарма, 1-рўйхат, 30-йиғма жилд, 18-варақ.; Андижон вилоят Давлат архиви, 190-жамғарма, 2-рўйхат, 5-йиғма жилд, 34 варақ.; Фарғона вилоят Давлат архиви, 552-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, Андижон вилоят Давлат архиви 620-жамғарма, 1-рўйхат, 366-йиғма жилд, 36-варақ.; Фарғона вилоят Давлат архиви, 573-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 34- варақ.; Андижон вилоят Давлат архиви, 574-жамғарма, 1-рўйхат, 25-йиғма жилд, 68-варақ.; Фарғона вилоят Давлат архиви, 573-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғма жилд, 34- варақ.; Андижон вилоят Давлат архиви, 575-жамғарма, 1-рўйхат, 15-йиғма жилд, 68-варақ.

Самарқанд вилоятидаги ногиронлар корхоналарида меҳнатга жалб қилинган маҳаллий аҳоли атиги 5% ни ташкил қилган¹⁷.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида ногиронлиги бўлган шахсларга бўлган муносабат тарихининг етарлича чуқур тадқиқ этилмаганлиги, собиқ совет ҳукмронлиги йилларида эса олимлар томонидан яратилган адабиётлар коммунистик мафкура руҳида ёзилганлиги ва мустақиллик даври тарихшунослиги нуқтаи назаридан уларга бўлган муносабат тарихи ҳали тадқиқ этилмаганлиги каби ҳолатлар ушбу диссертация мавзуси долзарб эканлигини кўрсатади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўрни, ННТларнинг турлари ва ривожланиш босқичларини ёритишга аҳамият қаратилди.

Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги санатория ва курортларга йўлланма бериш, протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг реабилитацияси ва соғломлаштириш масалалари билан шуғулланади¹⁸. Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари эса бевосита алоҳида эҳтиёжли болаларнинг узлуксиз таълим олишларига имконият берувчи имтиёزلарни яратиб беради. Масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларга бундай имкониятларни яратиб беришнинг замонавий ва янгича тизими шаклланмоқда. Масалан, илгарилари фақатгина кўзи ожизлар ва кар-соқовлар жамияти мавжуд бўлиб, улар имконияти чекланган шахсларнинг тор доирадаги манфаатларига хизмат қилган бўлса, ҳозирги пайтда нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони ортди ва улар мазмунан янги қиёфада намоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, бундай турдаги ташкилотларнинг фаолияти республиканинг барча вилоятларида ҳам бир хилда тўғри йўлга қўйилмаганлиги боис айрим ҳудудларда имконияти чекланган шахслар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Масалан, ногирон аёллар Ассоциацияси филиаллари республиканинг Тошкент, Самарқанд ва Наманган вилоятларида фаолият юритади ва ўз атрофида 150 нафар аёлни бирлаштириб, иш билан таъминлаган. Қолган вилоятлардаги ногирон аёллар бундай имкониятдан маҳрумдирлар.

Тадқиқот жараёнида ногиронлиги бўлган шахсларга муносиб ҳаёт тарзини яратиб бериш ва уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш йўлида давлат ташкилотлари билан нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигининг

¹⁷ Андижон вилоят Давлат архиви, 580-жамғарма, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 12-варақ.; Самарқанд вилоят Давлат архиви, 318-жамғарма, 1-рўйхат, 9-йиғма жилд, 23-варақ.; Самарқанд вилоят Давлат архиви, 319-жамғарма, 1-рўйхат, 7-йиғма жилд, 34-варақ.; Самақанд вилоят Давлат архиви, 320-жамғарма, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд, 4-варақ.; Самарқанд вилоят Давлат архиви, 321-жамғарма, 1-рўйхат, 11-йиғма жилд, 16- варақ.; Самарқанд вилоят Давлат архиви, 325-жамғарма, 1-рўйхат, 22-йиғма жилд, 7-варақ.; Самарқанд вилоят Давлат архиви, 329-жамғарма, 1-рўйхат, 15-йиғма жилд, 12-варақ.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, – 22-сон, 420-модда.

ўзига хос жиҳатлари аниқланди ва уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Диссертациянинг «**Имконияти чекланганлар таълими ва спортни ривожлантириш асослари**» деб номланган иккинчи бобда алоҳида эҳтиёжли болалар таълимнинг турлари ва унинг узлуксизлигини таъминлаш механизмлари ҳамда улар ўртасида спортни ривожлантириш асосларини ёритишга аҳамият қаратилган. Биринчи параграфда аввало алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим турлари, яъни ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги ва янги таълим усули – инклюзив таълим турининг кириб келиши жараёни жорий архив ва архив манбалари асосида таҳлил қилинди.

Республикада имконияти чекланган болалар учун 88 та махсус мактаб интернатлар ва 25 та санатория туридаги мактаблар фаолият юритади. Мустақиллик йилларида уларнинг таълим олишлари кўлами ва тури кенгайди. Илгари имконияти чекланган болалар фақат уйда якка тартибда ва махсус мактаб интернатларда таҳсил олиш билан чекланган бўлса, бугунги кунга келиб улар учун яна бир таълим тури, яъни инклюзив таълим тизими жорий қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида 12 717 нафар болалар ихтисослаштирилган мактабларга жалб қилинган¹⁹ эди. 2017 йилга оид маълумотларга кўра, болаларнинг 18 520 нафари махсус мактаб интернатларда, 2 890 нафари инклюзив асосда, 9 243²⁰ нафари уйда таҳсил олмақда. Демак, инклюзив таълим тизими 1996 йилда Ўзбекистонга кириб келган бўлса ҳам (дунё миқёсида эса 1990 йилдан қўлланила бошлаган)²¹, ҳали тўлиқ йўлга қўйилмагани сабабли ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган болалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бошқа таълим турларига нисбатан кўпроқни ташкил қилади.

Ҳар йили мактабларни 18 388 нафардан зиёд имконияти чекланган ўқувчилар битириб чиқса-да, уларнинг фақат 10% и коллежларга, 4% и олий таълим муассасаларига қабул қилинадилар. Таълим муассасаларининг ногиронлар аравачасининг ҳаракатланишига мослаштирилмаганлиги ушбу муаммонинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Олий ўқув юртларида жуда оз сонли ногиронлиги бўлган шахслар таълим олаётганлигининг ўзи ҳам ушбу масала қанчалик долзарб эканлигидан далолат беради²².

Тадқиқот муаллифи томонидан олий таълим муассасаларини имконияти чекланганларга мослаштириш ва бу борадаги мавжуд барча муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда уларнинг аксарияти ҳаётга жорий этилди.

Ушбу бобнинг учинчи параграфида имконияти чекланганлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва халқаро спорт ўйинларида эришаётган ютуқлари таҳлил қилинган.

¹⁹ ЎзМДА, 26-жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма жилд. 12-варақ.

²⁰ Халқ таълими вазирлиги интернет сайти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосий кўрсаткичлари. 2016.08.31. www.uzedu.uz.

²¹ Шомахмудова Р. Инклюзив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар) . – Тошкент, 2011. – Б. 8.

²² Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари.

Илгари имконияти чекланганларга фақатгина ижтимоий таъминот объекти сифатида қаралган бўлса, ҳозир улар ўз имкониятларини жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётганликлари, жумладан спорт соҳасида эришаётган ютуқлари мисолида намоён қилмоқдалар.

Имконияти чекланганларнинг «Байналминал» футбол командаси 1989 йилда ташкил топган бўлиб, шу йилнинг ўзида Тошкентда бўлиб ўтган кубокда биринчи ўринни олган эди. 1990-1991 йиллардан унинг фаолиятидаги муваффақиятли давр бошланган²³. 2004 йилда паралимпия ўйинларида илк бор иштирок этган мазкур жамоа бугунги кунда халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Шуни қайд этиш лозимки, 2004, 2008 йиллардаги паралимпия ўйинларида 2 нафар спортчи иштирок этган эди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпия ўйинларида иштирок этишига тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори асосида ногиронлиги бўлган шахслар спортида туб бурилиш ясалди²⁴. Имконияти чекланганлар спортини ривожлантиришда Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар, Паралимпия ва Параолимпия ўйинларида республика спортчилари эришган ютуқлар Ўзбекистонда тарихан қисқа – ўн йилдан ортиқроқ давр оралиғида ногиронлар спорти жадал суръатларда ривожланганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда имконияти чекланганларнинг касбий-тиббий реабилитацияси ва ижтимоий ҳимояси**» деб номланган учинчи бобда имконияти чекланган шахсларларнинг тиббий реабилитациясидан ташқари, замонавий реабилитация тури сифатида эътироф этилган ижтимоий реабилитацияси масалаларига ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган шахсларларнинг 80% дан кўпроғини меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ташкил қилади. Бу эса уларнинг иш билан таъминланиши долзарб масала эканлигини англатади.

Илгарилари имконияти чекланганлар фақат махсус корхоналарда меҳнат фаолияти билан шуғулланган бўлсалар, мустақилликдан сўнг улар давлат корхоналарида, махсус корхоналарда меҳнат қилиш ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида олиб борилган социологик сўровномалар²⁵, архив ва жорий архив материаллари асосида шундай хулосага келиндики²⁶, давлат корхоналарида

²³ ЎзМДА, М.1-жамғарма, 1-рўйхат, 1031-йиғма жилд, 9-14-варақлар.

²⁴ Бойқобилов Ж. Паралимпиячиларимизнинг улкан ғалабалари / Спорт. 2014 йил 22 октябр, – №42, – Б.1-2.

²⁵ Аблямова Ш.А. Совершенствование системы социальной защиты населения Республики Узбекистан в условиях перехода к рыночным отношениям. Дисс... доктора экономических наук. – Ташкент, 1995. – С. 79.

²⁶ ЎзМДА, Р.2370-жамғарма, 1-рўйхат, 3695-йиғма жилд, 25-варақ.; ЎзМДА, Р.2370-жамғарма, 1-рўйхат, 3794-йиғма жилд, 18-варақ.; ЎзМДА, 2370-жамғарма, 1-рўйхат, 3794-йиғма жилд, 21-варақ.; ЎзМДА, М.49-жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғма жилд. 29, 108, 113, 107-варақлар.

ишлаётганлар сони йилдан-йилга камайиб бораётганлиги, уларнинг аксарияти якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаётганлиги ва ижтимоий корхоналарда фаолият юритаётганлиги аниқланди. Давлат ташкилотларида банд бўлган ногиронлиги бўлган шахсларлар сонининг камайиб кетишига корхона раҳбарининг уларнинг имкониятларига эскича қолипдаги қарашлар асосида муносабатда бўлиши ва нишабли йўлак (пандус)ларнинг мавжуд эмаслиги сабаб бўлмоқда. Шунинг учун аксарият имконияти чекланган шахслар ногиронлар жамиятлари қошидаги ўқув ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш истагини билдирадilar. Лекин ўқув ишлаб чиқариш корхоналари асосан шаҳар ҳудудларида фаолият юритади.

Ушбу ҳолат вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда асосан Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг аксарияти шаҳар манзилгоҳларида истиқомат қилиши, Андижон, Бухоро, Жиззах, Хоразм вилоятларида эса асосан қишлоқ ҳудудларида яшаши ва ушбу ҳолатнинг бандлик кўрсаткичига таъсири аниқланди²⁷. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақда тўхталиб: «Ногиронларга таълим бериш ва уларни ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими замонавий талабларга жавоб бермайди. Ногиронларни меҳнат фаолиятига жалб этиш ўртача 2% ни ташкил қилади, бу эса масъул идораларнинг ушбу соҳадаги иши қониқарсизлигидан далолат беради»²⁸. – деб қайд этган эди.

Демак, бугунги кунда имконияти чекланганларнинг меҳнат фаолияти турлари кенгайган бўлишига қарамасдан, давлат корхоналарида ишлайдиганлар сони камайиб кетган. Ушбу таҳлил натижасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар аниқланди ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг учинчи боби иккинчи ва учинчи параграфларида имконияти чекланганларни реабилитация қилиш, уларга ижтимоий ёрдам бериш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг яратилиши борасида олиб борилаётган ислохотлар ёритилган. Мазкур бобнинг иккинчи параграфиди Ўзбекистонда ногиронликни камайтириш асосан икки йўналишда, яъни, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш ва мавжуд ногиронларни реабилитация қилиш орқали амалга оширилаётганлиги таҳлил қилинган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда истиқомат қиладиган жами 22 миллион аҳолининг 350 мингтаси ногиронлиги бўлган шахслар эди²⁹. 2014 йилга келиб, республика аҳолиси 30 миллиондан ортиқни ташкил қилган ҳолда, ногиронлиги бўлган шахслар сони 600

²⁷ Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Пресс-релиз, 2017 йил 3-декабр «Халқаро ногиронлар куни»га бағишланган тадбир ва матбуот-анжуманига тайёрланган маъруза, –Тошкент, 2012йил 3 декабрь.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 1 август, –151(6845).

²⁹ Ўз МДА, М.110-жамғарма,1-рўйхат, 335-йиғма жилд. 9-а-варақ.

